

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

16-сон
(1036)
2022 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

152. «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизими-ни ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармони
153. «Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ-212-сон қарори
154. «Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон қарори

Бешинчи бўлим

155. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 30 мартдаги 10-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-3*)
156. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 4-сон «Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363*)
157. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 18 мартдаги 2022-10-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

152 Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 73 турдаги маълумотнома ва хужжатлар тақдим этилиши талаби бекор қилиниб, давлат органлари томонидан ушбу маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда олиш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олдини олиш, давлат органлари ахборот тизимида мавжуд маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур.

Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бу борада барча учун тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни шакллантириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 августдан бошлаб:

а) давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига кўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими (кейинги ўринларда — Мобил-ID тизими) жорий этилсин;

б) шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Мобил-ID тизими «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутаяди;

шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 апрелда эълон қилинган.

хошишига кўра давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда — ЯИДХП) мобил иловаси орқали амалга оширилади;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита Марказ ёки нотариал идорага мурожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли такдим этилади ҳамда Марказ ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга туширилади, электрон шаклда қўл бармоғи изи олинади ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланилганда масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-картадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга бепул боғланади;

бевосита Марказлар ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш 2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридан бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади;

Мобил-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкин;

фуқаронинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юбориладиган барча хабарномалар унинг хошишига кўра ва белгиланган тўловлар асосида Мобил-ID тизими орқали идентификацияланган мобил телефон рақамига SMS-хабар шаклида юборилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Мобил-ID тизимини жорий қилиш ва келгусида техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тенг миқдорда ёхуд қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича вазифаларни амалга оширишда Адлия вазирлигининг келгуси беш йилликдаги устувор фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

«Давлат хизматларини кўрсатишда фуқаро эътибор марказида» (Citizen — centric service) тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини модернизация қилиш;

Марказлар фаолиятида қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини кескин ошириш ҳамда иш юритишни «қоғозсиз» тамойил асосида олиб бориш;

бизнес жараёнларини модернизациялаш усуллари (Business Process Reengineering) асосида ҳар бир давлат хизматини мақбуллаштириш, шу

жумладан муддатлар ва талаб этиладиган ҳужжатлар сонини максимал даражада қисқартириш орқали «бир дарча» тамойилини амалиётга тўлиқ татиб этиш;

ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолати, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб давлат хизматларининг янги турларини йўлга қўйиш ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган давлат хизматларини бирлаштириш ёки бекор қилиш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда инклюзив муҳитни яратиш;

давлат органларининг ташаббуси асосида проактив давлат хизматлари ҳамда битта сўров бўйича ўзаро боғлиқ композит давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўникмаларини ошириб бориш.

4. Қўйидагилар:

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси 1-иловага мувофиқ;

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

2022 йил 1 июлдан айрим талаб ва шартлари бекор қилинаётган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2022 йил 1 июндан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайдиган давлат хизматлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

«Электрон ҳукумат» доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизимида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш жадвали 5-иловага* мувофиқ;

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини Ягона биллинг тизимида босқичма-босқич интеграция қилиш жадвали 6-иловага* мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб коммунал ташкилотлар томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон Фармонининг 4-банди ҳамда 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармони-

* 2 — 7-илвалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг 5-бандида назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва «Тошиссиққуввати» ДУК Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар ўз ахборот тизимларининг «Электрон ҳукумат» тизими доирасида ишловчи Рақамли маълумотлар платформасига интеграция қилинишини таъминласин.

6. Хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, фуқаролар ва хусусий секторга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги нодавлат ташкилотларга «Электрон ҳукумат» тизими орқали олиниши мумкин бўлган маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилсин:

- тижорат банклари;
- телекоммуникация ташкилотлари;
- хусусий тиббиёт муассасалари;
- нодавлат таълим ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари.

Белгилансинки, «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланишга рухсат берилган нодавлат ташкилотлар шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда учинчи шахсларга маълум қилмаслик бўйича зарур ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт. Бунда, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш тегишли лицензиянинг талаб ва шартларидан бири ҳисобланади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

бир ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида маълумотларни нодавлат ташкилотларга тақдим этувчи Рақамли маълумотлар платформасини ишлаб чиқсин;

икки ой муддатда нодавлат ташкилотларни Рақамли маълумотлар платформасига улаш ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотлар нодавлат ташкилотларга фақат Рақамли маълумотлар платформаси орқали тақдим этилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022 йил 1 июнга қадар ушбу Фармонга 4-иловада кўрсатилган давлат хизматларидан ЯИДХПда электрон рақамли имзо билан тасдиқламасдан фойдаланиш имкониятини яратсин;

2022 йил 1 августга қадар давлат хизматларидан фойдаланиш учун Мобил-ID тизимини, шунингдек, шахсга доир маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланган ҳолда тақдим этишнинг янги тартибни жорий этиш бўйича ташкилий-техник чораларни амалга оширсин.

8. Шахсга доир маълумотларнинг конфиденциаллигини ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 августдан бошлаб шахсга доир маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланган ҳолда олишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими орқали сўраб олинганда шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ID тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига бу ҳақида хабарнома юборилди (бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно);

хўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланишга рухсат берилган нодавлат ташкилотлар томонидан ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан «Электрон ҳукумат» тизими орқали тақдим этилади. Бунда, маълумотлар тегишли ташкилотга шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ID тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамидан тасдиқ олингандан сўнг «Электрон ҳукумат» тизими орқали тақдим этилади.

Давлат персоналлаштириш маркази Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколат, функция ва фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, «Электрон ҳукумат» тизими орқали шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш доираси ва чегараларини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июндан бошлаб:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловлардан озод этилади;

Марказларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи жойлар ташкил этилади. Бунда, Марказларда фаолият олиб бораётган операторларнинг камида 1 нафари давлат хизматларидан мустақил фойдаланмоқчи бўлган шахсларга бевосита ёрдам кўрсатишга жалб этилади;

давлат хизматидан фойдаланишда ундириладиган тўловларни Марказларда жойлашган тижорат банклари шохобчасидан нақд ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширганда икки фоизгача бўлган тижорат банкининг комиссия суммаси учун алоҳида тўлов ундирилмайди (бундан давлат божи тўловлари мустасно). Бунда, маблағларни олувчиларнинг ҳар бирига йўналтириладиган суммалар пропорционал равишда камайтирилган ҳолда, тижорат банкининг комиссия тўлови хизматдан фойдаланиш учун тўланадиган тўлов ҳисобидан ўтказиб берилади;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар давлат хизматларини кўрсатиш ёки бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш функциялари юклатилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва масъул ходимлари давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар ҳисобланади.

10. Адлия вазирлиги 2022 йил 1 июлга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази ва Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда шахсни Мобил-ID тизими орқали идентификациялаш тартибини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Марказларда давлат хизматлари учун тўловларни қабул қиладиган тижорат банклари шохобчаларини ижара тўловларини ундирмаган ҳолда беш йилгача бўлган муддатга жойлаштириш бўйича танлов ўтказсин;

конунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 8-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 9-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 апрель,
ПФ-113-сон

* 8-9-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги
ПФ-113-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини
модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг
2022 — 2026 йилларга мўлжалланган
МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ**

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6269-сон Фармониغا мувофиқ ишлаб чиқилган.

Стратегия давлат хизматларини кўрсатишнинг жорий ҳолати ва хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги энг яхши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, «Давлат хизматларини кўрсатишда фуқаро эътибор марказида» (Citizen — centric service) тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш аҳолининг давлат органлари билан муносабатга киришишда инсон омилини минималлаштириш, бюрократик жараёнларни қисқартириш, хизматдан фойдаланувчиларнинг вақти ва харажатларини камайтириш ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, хизматдан фойдаланувчиларга сифатли ва тезкор давлат хизматларини тақдим этиш устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа ваколатли органлар билан биргаликда Стратегиянинг амалга оширилишини таъминлайди.

Стратегияни амалга ошириш учун:

«йўл харита»лар ишлаб чиқилади ва уларда белгиланган чоралар амалиётга татбиқ этилади;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизматларини кўрсатиш фаолияти таҳлил қилинади;

бизнес жараёнларини реинжиниринг қилиш (BPR) усулларидан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини тақдим этиш жараёнлари мақбуллаштирилади;

аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади;

давлат хизматларини кўрсатишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари такомиллаштирилади.

2-боб. Жорий ҳолат тавсифи ва мавжуд муаммолар

Сўнгги йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор давлат хизматларини тақдим этишнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилди.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадига 2017 йилда ҳар бир туман (шаҳар)да давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш натижасида мавжуд 750 дан ортиқ давлат хизматларидан 172 таси Марказлар, 308 таси эса Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ҳамда «Лицензия» ахборот тизими орқали интерактив шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар 207 та Марказлар ҳамда уларнинг 141 та филиаллари орқали жисмоний ва юридик шахсларга жами 32 млн.дан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Давлат хизматларини кўрсатишнинг умумий муддати деярли 787 кундан 471 кунгача қисқартирилди. Тадбиркорлик соҳасида 132 та лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Аҳолига давлат хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш бўйича давлат хизматларидан экстерриториаллик тамойили бўйича фойдаланиш тартиби жорий этилди ҳамда давлат идоралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан жами 73 та хужжат ҳамда маълумотномаларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди.

Давлат хизматларини кўрсатишнинг янги шакллари жорий қилиниши натижасида 17 та давлат хизматини композит тарзда кўрсатиш йўлга қўйилди.

Марказлар орқали давлат хизматларини кўрсатишни жорий этиш натижасида 200 дан ортиқ тартиб-таомиллар қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг янада ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги тизимли муаммолар мавжуд:

мавжуд давлат хизматларининг катта қисми ҳамон электрон шаклда кўрсатилмасдан анъанавий шаклда аҳолига тақдим этиб келинмоқда;

давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар давлат хизматларини кўрсатишнинг замонавий шакллари ва маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқ эмаслиги ҳамда ички идоравий ҳужжатлар билан давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини белгилаш ҳанузгача сақланиб қолинмоқда;

давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли органлар томонидан фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этишни важ қилган ҳолда, бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган устувор ҳуқуқ ва имтиёزلарни қўллаш рад этилиши ҳолатлари туфайли ариза берувчиларнинг оворагарчиликлари сақланиб қолмоқда;

тартиб-таомиллари ўзаро ўхшаш бўлган давлат хизматларини кўрсатиш асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишлари лозим даражада амалиётга татбиқ этилмаганлиги қонунчилик ҳужжатларининг сони сунъий ошиб кетишига сабаб бўлмоқда;

давлат хизматлари ягона реестрида такрорланувчи, бир хизматнинг таркибий қисми бўлган бир нечта хизматлар, ўз аҳамиятини йўқотган давлат хизматлари сақланиб қолмоқда;

ваколатли идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатишда тўловлар уларнинг ушбу хизматни кўрсатиш учун сарф қиладиган харажатларидан ортиқча миқдорларда ундирилмоқда;

айрим давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли органлар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш тартиблари мунтазам равишда бузилиши сабаблари бартараф қилинмасдан қолмоқда;

ваколатли идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомиллари бузилганда уларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судгача шикоят қилишнинг механизмлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш узоқ вақтни талаб қилмоқда;

ҳудудларда ваколатли идораларнинг қўйи бўғин ташкилотларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етишмовчилиги ёки ахборот тизимлари мавжуд эмаслиги интерактив давлат хизматларини кўрсатишга тўлақонли имкон бермаяпти;

бир қатор ваколатли идораларда давлат хизматларини кўрсатишга аниқ масъул бўлган ходимлар ажратилмаганлиги ёки белгиланмаганлиги кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

шахсни идентификациялашнинг муқобил усуллари жорий этилмаганлиги сабабли фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишда идентификация жараёни асосан электрон рақамли имзога боғланиб қолмоқда;

республика миқёсида Интернет тезлигининг пастлиги ҳамда оптик-толалар тармоқ чекка ҳудудларгача етиб бормаганлиги электрон давлат хизматларининг кўрсаткичлари паст даражада сақланиб қолишига олиб келмоқда;

давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланиладиган маълумотларнинг катта қисми рақамлаштирилмаганлиги «Электрон ҳуқуқат» тизимининг барча имкониятларидан фойдаланиш даражасини чекламоқда;

давлат хизматларининг мобил иловаси талаб юқори бўлган хизматлар-

ни тўлиқ қамраб олмаслиги, бу иловадан хизматнинг охирига қадар фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўлами пастлигича қолмоқда;

давлат хизматларини кўрсатувчи органлар томонидан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга зарур инфратузилма яратилмаганлиги натижасида ариза берувчилар ижтимоий соҳадаги хизматлардан фойдаланишда ноқулайликларга дуч келмоқда;

давлат хизматларидан масофадан туриб электрон фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги 24 соат давомида Марказларда ортиқча навбатлар юзага келишига олиб келмоқда ва талаб юқори бўлган янги хизматларни кўрсатишни йўлга қўйишга тўсқинлик қилмоқда;

давлат хизматларини кўрсатувчи ходимларнинг малакаси талаб даражасида эмаслиги ёки уларнинг маълум бир соҳага ихтисослашиб қолганлиги натижасида хизмат кўрсатиш сифати пастлигича қолмоқда;

айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш жараёнлари мураккаблиги, ханузгача инсон омилига боғлиқлиги ҳамда шаффоф эмаслиги ушбу соҳада аҳолининг овозгарчилигига олиб келмоқда.

3-боб. Стратегиянинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Стратегиянинг мақсади давлат хизматларини жисмоний ва юридик шахслар учун фойдаланишга осон, қулай ва шаффоф шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда давлат хизматини кўрсатишда барча учун тенг шароитларни вужудга келтириш орқали инклюзив муҳитни яратишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидагилар Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат хизматидан фойдаланиш учун мурожаат қилишнинг қулай усулларини йўлга қўйиш;

Марказлар ва ЯИДХПга янги хизматларни жорий этишдан олдин уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштирган ҳолда, асосан маълум бир ҳудудда эксперимент тариқасида кўрсатишни йўлга қўйиш орқали тартибга солиш таъсирини баҳолаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини судгача ишончли ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини белгилаш;

ЯИДХПнинг мобил иловасини такомиллаштириш ва оммабоп хизматлардан ушбу илова орқали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

электрон ҳуқуқмат, давлат хизматларини ривожлантириш соҳасидаги халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси ўрнини яхшилаш;

Марказлар фаолияти самарадорлигини ошириш;

айрим давлат хизматларини хусусий секторга босқичма-босқич ўтказиш.

Қуйидаги тамойиллар Стратегиянинг асосини ташкил қилади:

Давлат хизматларини кўрсатишда фуқаро эътибор марказида (Citizen — centric service). Бу тамойил давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми ундан фойдаланувчи учун максимал қулайлик яратган ҳолда йўлга қўйилишини назарда тутди. Бу, ўз навбатида, давлат хизматларини жорий этиш ва такомиллаштиришда фойдаланувчиларнинг фаол иштирокини ҳам тақозо этади.

Кам харажат билан юқори ижтимоий қиймат яратиш. Давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари юқори даражада қондирилишини таъминлаш учун давлат илғор бошқарув технологияларидан, давлат-хусусий шериклик ва бозор иқтисодиёти тамойилларидан самарали фойдаланиши зарур.

Давлат хизматларини инновацион ривожлантириш. Давлат хизматлари тизимида инновацияларни жорий этиш, сифатни мониторинг ва назорат қилиш, ўз вақтида тезкор тузатишлар киритиш механизми қўлланилиши керак.

Ҳуқуқий аниқлик ва хавфсизлик. Давлат хизматларини кўрсатиш қонун асосида, маъмурий тартиб-таомилларга мувофиқ ҳамда тегишли қарорлар ва хатти-ҳаракатларнинг қонунийлиги устидан назоратнинг ишончли кафолатлари билан амалга оширилиши лозим.

4-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

Стратегия қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутди:

давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш ва мавжуд маълумотлар базасини рақамлаштириш, конфиденциал ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

давлат хизматларининг янги турлари ва шакллари жорий қилиш, хизматлардан фойдаланиш қулайлигини ошириш ва кўрсатилаётган хизматларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш;

давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли идораларнинг масъулиятини янада ошириш, аҳолига ўз вақтида хизматлар кўрсатилишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

халқаро рейтингларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

1-§. Давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш

Давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар-

ни такомиллаштириш ва маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

маъмурий тартиб-таомиллар тамойиллари асосида давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни мазкур тамойилларга мувофиқлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва уларнинг сонини мақбуллаштириш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки ички ҳужжатлар асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари тартиботларини Ҳукумат қарори даражасида белгилаш;

давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини бизнес жараёнларини реинжиниринг қилиш (BPR) усулларини қўллаган ҳолда мақбуллаштириш;

аризаларни кўриб чиққанлик учун ундирилдиган йиғимлар миқдорини ваколатли орган сарф қиладиган харажатларга мувофиқлаштириш чораларини кўриш;

давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли давлат органлари томонидан давлатда мавжуд маълумотларни фуқаролардан талаб қилиш тартибини босқичма-босқич бекор қилиш;

давлат хизматлари ягона реестрини қайта кўриб чиққан ҳолда, унинг доимий долзарблигини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни уларнинг яшаш манзили ва жойлашган еридан қатъи назар экстерриториал тамойил асосида амалга оширишни кенгайтириш;

давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланадиган қўлланмани тайёрлаш.

2-§. Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш ва мавжуд маълумотлар базасини рақамлаштириш, конфиденциал ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш ва мавжуд маълумотлар базасини рақамлаштириш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

маълумотларни бошқариш жараёнларини жорий қилиш, уларни ҳимоя қилиш, кўрсатилган давлат хизматлари тўғрисидаги реестрларни рақамлаштириш;

давлат органларининг ўзаро сўров асосидаги интеграциясини фақатгина «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга ошириш;

банк-молия ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона идентификация тизимини жорий этиш;

давлат, банк, ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва бошқа маъмурий тартиб-таомиллардан ўтишда шахсни идентификация қилишнинг муқобил усулларини жорий этиш (Мобил-ID, банк пластик картаси орқали идентификациялаш, биометрик идентификация — Face ID, Finger Print);

хориждаги ватандошларга электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишни мобил илова орқали кўрсатишни ривожлантириш. Бунда «ҳужжатлар-телефонда» тамойили асосида шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни мобил иловага ўтказиш ва уларни QR-код (матрицали штрих-код) орқали идентификациялашни йўлга қўйиш;

халқаро стандартларга мос келадиган алгоритмларни татбиқ қилган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларга электрон рақамли имзо тақдим этишни йўлга қўйиш;

ФХДЁ соҳасидаги иш юритишни «қоғозсиз» соҳага айлантириш;

блокчейн технологияларига асосланган рақамли трансформация орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш;

Давлат хизматлари ягона реестридаги пуллик асосда кўрсатиладиган барча хизматлар бўйича тўловларни электрон кўринишда ҳам амалга ошириш имкониятини йўлга қўйиш;

Марказлар, туман, вилоят ва республика кесимида фойдаланувчиларнинг қаноатланиши умумий индексини юритиш механизминини жорий этиш;

«веб-сайтдан мобил иловага» (from web to app) тамойилига асосан ЯИДХПнинг мобил иловасини такомиллаштириш ва оммабоп хизматлардан ушбу илова орқали фойдаланишни кенгайтириш;

жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга электрон тарзда «Апостиль» (Apostille) махсус штампини қўйиш амалиётини жорий этиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш;

барча кўчмас мулк объектлари, ер участкалари ва бошқа объектларни ўз ичига олган ягона манзиллар реестрини шакллантириш. Бунда реестрининг ажралмас қисми сифатида мажбурий тартибда кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва геомакон кодини киритиш амалиётини жорий этиш. Шунингдек, ҳар қандай янги қурилган бино-иншоот ёки янги кўчани фойдаланишга топширишдан олдин айнан ягона манзиллар реестрига ўзгартириш киритиш тартибини жорий этиш;

ахборот-коммуникацияларни (чат, бот, ишонч телефони ва б.) кенг жорий қилган ҳолда, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида юзага келаётган масалалар юзасидан аҳолига 24 соат давомида маслаҳат ва тушунтиришлар беришни йўлга қўйиш;

Марказлар, ахборот порталлари, call-марказ орқали келиб тушаётган

муурожаатлардан келиб чиқиб давлат идоралари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизимини жорий этиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун талаб юқори бўлган айрим электрон давлат хизматларини тижорат банклари ва мобил алоқа операторларининг мобил иловалари орқали кўрсатиш механизмларини жорий қилиш;

барча турдаги давлат хизматларини кўрсатиш натижасида бериладиган ҳужжатларни фойдаланувчиларнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетидан бепул тарзда олиш имкониятини яратиш;

давлат хизматлари учун тўловларни муурожаатчиларнинг ихтиёрий танловига асосан халқаро тўлов картаси орқали хорижий валюталарда амалга ошириш имкониятини яратиш;

давлат хизматларидан фойдаланишда ариза берувчиларга хизматнинг натижасини уларнинг мобил телефонига юбориш тартибини йўлга қўйиш;

давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланиладиган барча ахборот тизимларида мажбурий тартибда бевосита ваколатли бўлган органлар томонидан ишлаб чиқилган классификаторлар ва идентификаторлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш. Барча вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида бугунги кунга қадар фойдаланиб келинаётган классификаторларни бирхиллаштириш чораларини кўриш;

фуқароларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда давлат органларининг маълумотлар базаларини шахсга доир маълумотлар билан рақамлаштириш;

Марказларда босқичма-босқич бепул Wi-Fi ҳудудлар ташкил қилиш;

«ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимини қайта кўриб чиқиш ва фойдаланиш учун қулай шаклга келтириш;

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси тизимига тегишли ахборот тизимларини интеграция қилган ҳолда, вазифасидан озод қилинган ходимнинг тизимга кириш имкониятини чеклаш бўйича тегишли чоралар кўриш.

3-§. Давлат хизматларининг янги турлари ва шаклларини жорий қилиш, хизматлардан фойдаланиш қулайлигини ошириш ва кўрсатилаётган хизматларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш

Давлат хизматларининг янги турлари ва шаклларини жорий қилиш, хизматлардан фойдаланиш қулайлигини ошириш ва кўрсатилаётган хизматларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш соҳасида қуйидагилар амалга оширилади:

ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолати, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёж ҳамда талабларидан келиб чиқиб давлат хизматларининг янги турларини кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган давлат хизматларини бирлаштириш ёки бекор қилиш чораларини кўриш;

давлат органларининг ўз ташаббуси билан фуқароларга муайян вазиятда

керакли хизматдан фойдаланишни таклиф қилишини назарда тутувчи про-актив давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш;

фуқаронинг битта сўрови асосида ўзаро боғлиқ давлат хизматларини композит шаклда тақдим этишни кенгайтириш;

Марказларда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва аҳолининг давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўник-масини ошириб бориш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга дав-лат хизматларини кўрсатишда инклюзив муҳитни яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказишни уларнинг талабномаларига асосан жойига чиққан ҳолда амалга ошириш;

ФХДЁ органларига электрон мурожаат қилишни тўлиқ йўлга қўйиш, айрим хизматлардан фойдаланиш учун аризаларни Марказлар ва ЯИДХП орқали қабул қилиш;

туғилиш қайд этилмаган ва туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотно-маси бўлмаган шахсларни содалаштирилган тартибда туғилганлигини қайд қилиш бўйича бир марталик акция ўтказиш;

барча турдаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг «ягона далолатнома» асосида юритилишини йўлга қўйиш;

жисмоний шахсларга бериладиган ID-картадан фойдаланиш инфратузил-масини ривожлантириш ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда иденти-фикация ва верификация воситаси сифатида уни кенг қўллаш;

Марказларда жорий қилинган хизматни кўрсатиш вақтига қараб улар-ни алоҳида тоифа (йўлак)ларга ажратган ҳолда хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

айрим турдаги давлат хизматларини тижорат банклари орқали кўрса-тиш тизимини жорий этиш;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги Давлат хизматлари марказла-ри жойлашган биноларнинг олд томонида ўзига ўзи хизмат қилиш тамо-йили асосида ишловчи интерактив инфокиосклар ўрнатиш орқали 24 соат режимида давлат хизматлари кўрсатишни жорий этиш;

Марказларда хизмат натижасини автотранспорт воситасидан тушма-ган ҳолда тезкор олиш имконини берувчи «DXM drive» хизматини йўлга қўйиш;

қўшимча тўлов эвазига тезлаштирилган тартибда кўрсатиладиган дав-лат хизматлари турларини кўпайтириш;

почта алоқа бўлимлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари со-нини ошириб бориш;

«Давлат хизматларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси томонидан аҳолига масофадан туриб телефон алоқаси орқали консалтинг ва айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш;

аҳолининг турли ижтимоий қатламлари томонидан давлат хизматлари-дан фойдаланишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш;

олис аҳоли пунктларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини оширган ҳолда, «марказ-маҳалла-фуқаро» тамойили бўйича Марказлар орқали кўрсатилаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш;

ҳар бир маҳаллада яшовчи аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, жойларга чиққан ҳолда, «маҳаллабай» асосида манзилли хизмат кўрсатиш. Бу борада аҳолининг давлат хизматидан қониқиш даражасини ошириш;

давлат хизматларининг республика ҳудудларига кириб борганлик ҳолатини таҳлил қилиш ва ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг давлат хизматларига бўлган талабини ўрганиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жойларида фойдаланувчилар учун яратилган қулайликлар, мавжуд бўлиши керак бўлган минимал жиҳозлар, ахборот технологиялари, операторлар ташқи кўриниши, муомала маданияти қоидаларини ўз ичига олган талабларни ишлаб чиқиш.

4-§. Давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли идораларнинг масъулиятини янада ошириш, аҳолига ўз вақтида хизматлар кўрсатилишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли идораларнинг масъулиятини янада ошириш, аҳолига ўз вақтида хизматлар кўрсатилишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қуйидагилар амалга оширилади:

давлат хизматларини кўрсатиш тартиблари мунтазам равишда бузилишига йўл қўйиб келаётган давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли органларда ушбу ҳолатларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

ваколатли идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомиллари бузилганда уларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судгача шикоят қилиш механизмини йўлга қўйиш;

давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини қайта таҳлил қилган ҳолда, давлат идоралари ҳамда ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган айрим хизматларни хусусий секторга босқичма-босқич ўтказиш чоратадбирларини амалга ошириш;

давлат хизматларини кўрсатувчи масъул ходим тайинланганда бу ҳақда Адлия вазирлигини хабардор қилиш тартибини жорий қилиш, ходим тегишли лавозимга тайинлангандан сўнг бир ой ичида давлат хизматлари соҳасида малака оширишни йўлга қўйиш;

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорлик-

ни баҳолаш тартибини такомиллаштириш ҳамда уни электрон шаклда амалга оширишни йўлга қўйиш;

Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари департаменти ва Марказларда самарали меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш чораларини кўриш;

давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли органларнинг иш юкламасидан келиб чиқиб, тегишли функцияларни уларнинг ҳудудий бўлинмаларига (туман ва вилоят) ёки юқори турувчи тузилмаларига ўтказиш чораларини кўриш;

Адлия вазирлиги томонидан ваколатли органларнинг давлат хизматларини кўрсатишдаги функция, ваколат ҳамда имкониятларини таҳлил қилиш, хизматларни рақамлаштириш даражасини баҳолаш ёрдамида ваколатли органларнинг таркибий тузилмалари салоҳиятини мустаҳкамлаш.

5-§. Халқаро рейтингларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

Халқаро рейтингларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида қуйидагилар амалга оширилади:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDGs) рейтинги ва Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторида (Worldwide Governance Indicators) доимий иштирок этиш ва унда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш;

Электрон ҳукумат глобал индексида Ўзбекистон ўрнини яхшилаш;

давлат хизматларини кўрсатишни ривожлантириш мақсадида халқаро экспертлар иштирокида ходимлар учун хорижий амалиёт, семинар ва ўқув курсларини ташкил этиш ишларини кенгайтириш;

давлат хизматлари соҳасида илғор давлатлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш юзасидан халқаро форумлар ўтказиш;

давлат хизматларини кўрсатиш, маъмурий ислохотларни тадқиқ қилиш соҳасида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш» лойиҳаси бўйича ҳамкорликнинг II фазасини амалга ошириш;

давлат хизматлари соҳасида илғор давлатларнинг ваколатли органлари билан икки томонлама алоқаларни кенгайтириш.

5-боб. Стратегияни амалга ошириш орқали эришиладиган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар

Давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини оши-

риш, тизимга инновацион янгиликларни жорий этиш мақсадида Стратегия қуйидаги натижаларга эришишни кўзда тутди:

давлат хизматлари республиканинг барча ҳудудларига кириб бориши ҳамда аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаби самарали қондирилишига эришиш;

давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш асосида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш; анъанавий тарзда кўрсатиладиган давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш даражасини 80 фоизга етказиш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўламини 60 фоизгача кўтариш;

давлат хизматларини ўзига ўзи хизмат кўрсатиш асосида кўрсатилишини ривожлантириш;

зарур архив маълумотларини рақамлаштириш орқали жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда тезлигини ошириш;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 400 тага, Марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 300 тага етказиш;

Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингда Ўзбекистон ўрнини 20 поғонага яхшилаш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDGs) рейтинги ва Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторида (Worldwide Governance Indicators) Ўзбекистон ўрнини яхшилаш;

давлат хизматларини кўрсатишда «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумот алмашинув даражасини 90 фоизга етказиш;

давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланиладиган маълумотлар базаларини рақамлаштириш даражасини 80 фоизга етказиш;

давлат хизматларини кўрсатишда жисмоний шахсларни идентификация қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг замонавий воситаларини (Мобил-ID, банк пластик картаси орқали идентификациялаш, биометрик идентификация — Face ID, Finger Print кабилар) жорий этиш;

давлат хизматларини кўрсатишда маълумотлар очиқлигини, давлат органлари ҳамда бошқа идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларининг фақат «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатилишига эришиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**153** Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида*

Худудларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ташаббусларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

кредит линияси тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада миллий валютада ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (бундан қурилиш, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда айланма маблағларни тўлдириш ҳолатлари мустасно) учун йиллик 14 фоиз ставкада, 5 йилгача муддатга, шу жумладан 2 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 5 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

тадбиркорлик субъектларининг фаолият даври 6 ойгача бўлганда 1 миллиард сўмгача, 6 ойдан 1 йилгача бўлганда 2 миллиард сўмгача, 1 йилдан 2 йилгача бўлганда 3 миллиард сўмгача, 2 йилдан 3 йилгача бўлганда 4 миллиард сўмгача ва 3 йилдан ошганда 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади;

кредит линияси маблағларининг камида 70 фоизи Нукус шаҳридан, вилоятларнинг маъмурий марказларидан ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлардан ташқари худудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ажратилади.

3. Мазкур қарор доирасида ажратилган кредит линиясидан самарали фойдаланилишини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков томонидан амалга оширилади ва унга қўйидаги вазифалар юклатилади:

кредит маблағларига талаб ва лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилганидан келиб чиқиб, кредит линияси ресурс-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 апрелда эълон қилинган.

ларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ва тижорат банклари кесимида тақсимлаш;

лойиҳа фабрикалари ва лойиҳа гуруҳлари томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларнинг сифатли ва қисқа муддатларда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари ҳамда тижорат банклари томонидан кредит линияси маблағлари самарали ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларининг кредит маблағларини ўзлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш ва белгиланган муддатда ишга тушириш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. Вафаев) ресурслар ҳудудлар ва тижорат банклари кесимидаги тақсимотга мувофиқ тижорат банкларининг талабномаси келиб тушгандан сўнг уч кунлик муддатда тижорат банкларига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратаётган маблағларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ҳамда назорат қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 апрель,
ПҚ-212-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги
ПҚ-212-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4752-сон қарори 2-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоиз паст қилиб» сўзлари «10 фоиз ставкада» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича» сўзлари «14 фоиз ставкада» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-5113-сон қарори 5-бандида:

а) тўртинчи хатбошидаги «фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб» сўзлари «10 фоиз ставкада» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбошидаги «Марказий банкнинг асосий ставкасида» сўзлари «14 фоиз ставкада» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**154 Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Касаначиликни ривожлантириш орқали ишсиз аҳоли, айниқса хотин-қизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июлдан бошлаб касаначиликни меҳнат шартномаси билан бир қаторда ишларни бажариш, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, шу жумладан пудрат шартномаси асосида ташкил этишга рухсат этилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) бир ой муддатда касаначилик шартларида амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, касаначилик шартларида кўрсатилиши мумкин бўлган хизмат турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар:

касаначиларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи касаначиликдан олинадиган жами даромадни 50 фоизга, бироқ ҳисобот даври (бир ой)да кўпи билан бир миллион сўмгача камайтирган ҳолда ҳисобланади;

касаначилар ижтимоий солиқ тўловини ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда амалга оширади;

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан рўйхати 1-иловада** белгиланган олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5214-сон қароридаги «етакчи» тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик бериш бўйича тартиб мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган маҳаллаларда фаолият юритувчи касаначилар сони камида 10 нафар бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бидан тадбиркорлик субъектларига «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдоридан субсидия ажратилади.

Бунда, субсидия тадбиркорлик субъекти ва туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ўртасида тузиладиган қўйидаги шартларни назарда тутувчи ижтимоий контрактга асосан ажратилсин:

тадбиркорлик субъекти томонидан касаначиға буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналар касаначиға бепул берилади;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари билан биргаликда касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини доимий тарзда мониторинг қилади ҳамда фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарга ажратилган субсидияларни қайтариб олади.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳар бир ҳудуд учун алоҳида касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

6. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ҳудудларда татбиқ этиш бўйича масъуллар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С. Холхўжаев, А. Камалов, Д. Султанов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда 2022 йил учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 500 миллиард сўмини касаначиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирсин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) иш берувчиларнинг буюртмаси асосида касаначиларни «Ишга марҳамат» мономарказлари, туман (шаҳар) касб-хунарга ўқитиш марказлари ва маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларида ўқитишни ташкил этсин. Бунда:

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ва туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари касаначилик орқали фуқароларни ишга олиш истагида бўлган тадбиркорларни аниқлайди ва фаолият йўналиши кесимида уларнинг рўйхатини шакллантиради;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари тадбиркорлар томонидан таклиф этилаётган касаначилик фаолияти билан шуғулланиш учун касблар рўйхатини шакллантиради;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касаначиларни ўқитиш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

касаначилик билан шуғулланмоқчи бўлган ишсиз шахслар «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларида талаб этиладиган касбларга ўқитилади.

9. 2023 йил 1 январдан бошлаб нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳузуридаги малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига давлат буюртмасини беради;

ўқув курсларини тугатган фуқароларнинг билим даражаси малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади;

малака сертификатини олган фуқароларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун ўқиш харажатларига тенг миқдорда малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар берилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т. Ишметов) икки ой муддатда нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ташкилий тузилмасининг умумий штатлар сони доирасида вазирлик марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари тузилмасида касаначилик фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган бўлимлар ташкил қилинсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин:

касаначилик соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, касаначилик фаолияти бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш;

касаначиликни ривожлантириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш орқали норасмий бандликни қисқартириш ва маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик фаолиятига жалб қилиш;

ишсиз фуқароларни касаначилик фаолияти бўйича касб-ҳунарга ўқитиш ишларини ташкил этиш;

касаначилик фаолиятини ривожлантириш юзасидан ажратилаётган субсидияларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва мақсадсиз фойдаланилган субсидияларни Давлат бюджетига қайтарилишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларига касаначилик билан шуғулланишлари учун имтиёзлар бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

11. Белгилансинки, иш берувчи ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат, фуқаролик-хуқуқий ёки пудрат шартномалари Давлат солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида мажбурий тартибда иш берувчи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) икки ой муддатда:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда касаначилик ривожланишини самарали мониторинг қилиш учун ва идоралараро маълумот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси таркибида мавсумий ва касаначилик ишлари портали ишга туширилишини таъминласин;

б) қуйидагиларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин: касаначиларга асбоб-ускуна харид қилиб бериш харажатлари учун тадбиркорлик субъектларига Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан субсидия ажратиш ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарга ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартибини;

олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида субсидия ажратиш тартибини.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 апрель,
ПҚ-214-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****155 Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 октябрдаги ЎРҚ–726-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 4 майдаги ПҚ–5102-сон «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 510-модда) билан тасдиқланган Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 30 март,
10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 30 мартдаги
10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-банддаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи» деган сўзлар «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва бошқа тўловларни ташкил қилиш шўъбаси (бундан буён матнда шўъба деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссия қарори лойиҳаси Пенсия жамғармаси бўлими шўъбаси томонидан мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ шакл бўйича тайёрланади ва расмийлаштирилади, унда суммаларни тўловчи (пенсионер ёки нафақа олувчи), ортиқча тўлашнинг сабаби ва даври, чегирманинг ҳар ойлик суммаси ёки фоизи кўрсатилади.»

3. 11-бандда:

иккинчи хатбошидаги «дастурий таъминотга» ва «дастурий таъминот ишидаги» деган сўзлар тегишли равишда «Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида» ва «Пенсия жамғармасининг ахборот тизимидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «дастурий таъминотга» деган сўзлар «Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Пенсионер ёки нафақа олувчи Пенсия жамғармаси бўлимининг ортиқча тўланган пенсия ёки нафақа суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, судга мурожаат қилиши мумкин.

Тайинланганига ва қайта ҳисобланганига (пенсионер ёки нафақа олувчи томонидан тақдим этилган қўшимча ҳужжатларга асосан) уч йил ва ундан ортиқ вақт ўтган пенсия ва нафақа ишларига Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ортиқча тўланган пенсия ёки нафақа суммасини ушлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Судга мурожаат қилинганда, чегирма қилиш тўғрисидаги комиссия қарори тўхтатиб турилади.»

5. 16-банддаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи» деган сўзлар «шўъбаси» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 19-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Пенсионернинг ёки нафақа олувчининг яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ўзгарганлиги тўғрисида маълумот олинганда Пенсия жамғармаси бўлими шўъбаси пенсия йиғмажилдини унда ортиқча тўланган пенсия ва нафақаларнинг қолдиқ суммасини кўрсатган ҳолда пен-

сионернинг ёки нафақа олувчининг янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига юборди.».

7. 20-банднинг иккинчи хатбошидаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи» деган сўзлар «шўъбаси» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ижро ҳужжати бўйича ундирилишни тамомланиши (кўрсатилган сумманинг тўлиқ ундирилиши, ижро ҳужжатини юборган орган томонидан қайтариб олиниши ёки суд томонидан белгиланган муддат бўйича алиментларнинг ундирилиши) юзасидан Пенсия жамғармаси бўлими шўъбаси масъул ходими пенсионернинг ёки нафақа олувчининг Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали амалга оширилган чегирмаларнинг тўғрилигини текширади.

Пенсия жамғармаси бўлими шўъбаси масъул ходими Пенсия жамғармасининг ахборот тизимидаги маълумотлар асосида пенсионер ёки нафақа олувчидан чегирма қилинган сумма ва амалга оширилган ундиришлар тўғрисида ижро ҳужжатини юборган суд ёки бошқа органга маълумот хатини тайёрлайди ва Пенсия жамғармаси бўлими шўъба мудирига текшириш учун тақдим этади.

Пенсия жамғармаси бўлими шўъба мудир чегирмалар ёпилишининг асослилигини ва ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади.

Ижро ҳужжати Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи имзоси ва Пенсия жамғармаси бўлими муҳри билан тасдиқланади ҳамда масъул ходимга қайтарилади.».

9. 23-бандда:

иккинчи хатбошидаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳида» деган сўзлар «шўъбасида» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи» деган сўзлар «шўъбаси» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳида» деган сўзлар «шўъбасида» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи» деган сўзлар «шўъбаси» деган сўз билан алмаштирилсин;

10. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига* мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**156 Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363

Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2022 йил 10 мартдаги
4-сон буйруғига
ИЛОВА

**Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар темир йўл кесишмаларининг таснифлари ва тоифалари, уларни бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш, очиш, ёпиш, темир йўл кесишмаларининг тузилиши, жиҳозланиши, сақланиши ва таъмирланиши ҳамда темир йўл кесишмаларининг навбатчи ходимлари (бундан буён матнда навбатчи ходим деб юритилади) ишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автомобиль йўли — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда мун-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 апрелда эълон қилинган.

тазам ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлик;

асосий йўллар — перегонлардаги темир йўллар, шунингдек тегишли перегон йўлларининг бевосита давоми бўлган, стрелка ўтказгичларида бурилишларга эга бўлмаган темир йўл станцияси йўллари;

йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

йўл тўшамаси — бир ёки бир нечта қатламлардан иборат бўлиб, бир нечта қатлам тўшамаси қоплама, асос ва асоснинг қўшимча совуқ ва иссиқдан ҳимояловчи, сув ўтказувчи ва бошқа қатламларидан иборат бўлади;

қатнов қисми — йўлнинг рельсиз транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган қисми;

коронғи вақт — кечки ғира-ширанинг охиридан тонгги ғира-ширанинг бошланишигача бўлган оралиқдаги вақт;

пиёда — транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс. Велосипед, мопед, мотоцикл, чана, арава ва болалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини етаклаган, ногиронлиги бўлган шахсларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган шахслар ҳам пиёда ҳисобланадилар;

поезд — ўрнатилган сигналларга эга бўлган, битта ёки бир нечта ишлаб турган локомотив ёхуд моторли вагонлардан шакллантирилиб, бирлаштирилган вагонлар таркиби. Перегонга жўнатилаётган вагонларсиз локомотивлар, моторли вагонлар ва ўзиюрар ҳаракатдаги таркиб ҳам поезд деб ҳисобланади;

темир йўл инфратузилмаси — темир йўл ва темир йўл иншоотлари, темир йўл станциялари, электр таъминоти қурилмалари, алоқа тармоқлари, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимлари, ахборот мажмуалари, ҳаракатни бошқариш тизими ва ушбу мажмуанинг фаолиятини таъминловчи бинолар, қурилмалар, мослама ва ускуналарни ўз ичига оладиган технологик мажмуа;

темир йўл кесишмаси — йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи;

темир йўл шохобча йўллари (бундан буён матнда шохобча йўллари деб юритилади) — алоҳида корхоналар, ташкилотлар, маълум бир юк жўнатувчилар ва юк қабул қилувчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, темир йўл умумий тармоғига узлуксиз рельс излари билан боғланган темир йўллар;

транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

тўхтаб туриш — транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳаракатни 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар — темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юклар, багаж ва юк багажини қабул қилиш ҳамда топшириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, маневр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл бекатлари жойлашган тармоғи;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти (бундан буён матнда темир йўл деб юритилади) — ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуи;

ҳайдовчи — йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва молларини (подани) ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади;

яқинлашиш участкаси — рельс электр занжирлари билан жиҳозланган, темир йўл кесишмаси олд томонида жойлашган, яқинлашаётган поезд ҳақида олдиндан автоматик равишда хабар бериш ҳамда поездларнинг тезлиги ва темир йўл кесишмаси йўлининг узунлигига қараб ҳисоб-китоб йўли билан йўлнинг узунлиги аниқланадиган (темир йўл кесишмаси кесишма сигнализацияси ва шлагбаумларни автоматик тарзда бошқариш мосламаси билан жиҳозланган бўлса) темир йўл участкаси.

2. Қуйидагилар темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган қурилмалар ҳисобланади:

а) автомобиль йўлининг қатнов қисмини тўсиш ва транспорт воситаларининг (йўл ҳаракати қатнашчиларининг) темир йўл кесишмаси орқали амалга ошириладиган ҳаракатини тўхтатиш қурилмаси (бундан буён матнда шлагбаум деб юритилади).

Шлагбаум темир йўл кесишмасини транспорт воситалари (йўл ҳаракати қатнашчилари) ўтиб кетишларидан тўсади.

Ҳаракатланиш услубларига кўра шлагбаумлар қуйидаги турларга бўлинади:

автоматлашган — яқинлашиш участкасига поезд кириб келгандан ва кесишма светофорларининг қизил сигналлари (чироқлари) ёқилгандан сўнг ҳисобланган вақт давомида шлагбаум брусларининг ёпиқ (горизонтал) ҳолатга ўтказилиши автоматик тарзда амалга оширилади. Поезд темир йўл кесишмасини бўшатгач, шлагбаумнинг бруслари очиқ (вертикал) ҳолатга автоматик равишда ўтади. Бунда, кесишма светофорининг қизил сигналлари (чироқлари) ўчади;

ярим автоматлашган — бруслар ёпиқ (горизонтал) ҳолатга ўтказилиши поезд яқинлашиш участкасига кириб келишида автоматик равишда ёки темир йўл станцияси навбатчиси томонидан, бруслар очиқ (вертикал) ҳолатга ўтказилиши навбатчи ходим томонидан амалга оширилади;

электрлаштирилган — бруслар ёпиқ (горизонтал) ҳолатга ўтказилиши навбатчи ходим томонидан хабарлаш сигнали қабул қилингандан сўнг махсус тугмани босиш орқали, бруслар очик (вертикал) ҳолатга ўтказилиши темир йўл кесишмаси поезддан бўшатиладиган сўнг, навбатчи ходим томонидан махсус тугмани бошланғич ҳолатга қайтариш орқали амалга оширилади;

механизациялашган — шлагбаумлар навбатчи ходим томонидан механик узатма ёрдамида брусларни қўлда очик (вертикал) ва ёпиқ (горизонтал) ҳолатга ўтказиш орқали бошқарилади;

горизонтал буриладиган (захира) — бруслар очик (вертикал) ҳолатда автомобиль йўлининг қатнов қисмига параллель равишда жойлашади ва навбатчи ходим уларни қўлда бошқаради;

б) поезднинг темир йўл кесишмасига киришини тақиқлайдиган қурилма (бундан буён матнда тўсиш сигнализацияси деб юритилади);

в) поезд яқинлашганда кесишма светофорлари ва товушли сигнализациялари ёқилиши билан темир йўл кесишмаси орқали транспорт воситалари ва йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатини тақиқловчи қурилма (бундан буён матнда кесишма сигнализацияси деб юритилади).

Функционал вазифасига кўра кесишма сигнализацияси қуйидаги турларга бўлинади:

автоматлашган светофор сигнализацияси — поезд маълум бир масофага яқинлашганда кесишма светофорларининг милтиловчи қизил сигналларини (чироқларини) автоматик равишда ёқувчи ҳамда поезд темир йўл кесишмасидан ўтиб кетгандан сўнг уларни ўчирувчи кесишма сигнализацияси. Автоматлашган светофор сигнализацияси навбатчи ходим томонидан автоматлашган шлагбаумлар билан биргаликда қўлланилади;

милтиловчи оқ чироқли автоматлашган светофор сигнализацияси — кесишма светофорлари темир йўл кесишмасига яқинлашаётган поезд йўқлиги ва сигнализация қурилмалари созлигини кўрсатадиган милтиловчи оқ сигналли (чироқли) қўшимча сигнал каллагига эга бўлган кесишма сигнализацияси;

автоматлашган шлагбаумлар билан жиҳозланган автоматлашган светофор сигнализацияси — автоматик равишда кўтариладиган ва тушириладиган қўшимча шлагбаум брусларига эга бўлган кесишма сигнализацияси;

автоматлашган шлагбаумлар билан жиҳозланган ярим автоматлашган светофор сигнализацияси — қўшимча шлагбаум брусларига эга бўлган, сигнализация ёқилиши ва шлагбаумлар туширилиши темир йўл кесишмасига поезд яқинлашганда автоматик равишда, сигнализация ўчирилиши ва шлагбаумлар кўтарилиши темир йўл кесишмасидан поезд ўтганидан сўнг навбатчи ходим томонидан тугма босилиши орқали амалга ошириладиган кесишма сигнализацияси;

светофор сигнализацияси — тўсиш светофорлари сифатида қўлланиладиган кесишма сигнализацияси ва маневр светофорларининг ўзаро боғловчи қурилмаси;

хабарлаш сигнализацияси — навбатчи ходим поезднинг темир йўл

кесишмасига яқинлашаётгани тўғрисида оптик (нурли) ва акустик (товушли) хабар берадиган сигнал. Бунда, тўсувчи техник воситаларнинг ёқиши ва ўчирилиши навбатчи ходим томонидан амалга оширилади;

г) ҳаракат учун ёпиқ темир йўл кесишмасига поезд яқинлашганда транспорт воситаларининг кириб келишига тўсиқ яратувчи, қатнов қисмини тўлиқ беркитиш учун мўлжалланган мослама;

д) автомобиль йўлининг қатнов қисмида махсус плиталарни кўтарган ҳолда темир йўл кесишмаси орқали транспорт воситалари ҳаракатига тўсқинлик қиладиган тўсиқ қурилмаси (бундан буён матнда КТҚ деб юритилади).

2-боб. Темир йўл кесишмаларини кўриқдан ўтказиш ҳамда очиш ва ёпиш

3. Темир йўл кесишмалари темир йўл инфратузилмаси эгаси (бундан буён матнда инфратузилма эгаси деб юритилади) ёки шохобча йўллари эгаси томонидан ўзларининг мутахассисларидан иборат таркибда тузиладиган Темир йўл кесишмаларини техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) кўригидан ҳар йили камида бир марта ўтказилиши лозим.

4. Инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси навбатдаги Комиссия кўриги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ДЙҲХХ деб юритилади), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Автомобиль йўллари кўмитаси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, кўриқ ўтказилаётган темир йўл кесишмасини кесиб ўтувчи автомобиль йўл участкаси эгаси ҳамда йўловчи ташиш транспорт ташкилотига ёзма равишда хабарнома юборади.

Хабарномада Комиссия кўриги ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

5. Комиссия кўриги натижалари бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан далолатнома тузилади. Далолатномада қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар, шу жумладан ушбу камчиликларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилади.

6. Комиссия кўриги натижалари бўйича далолатномада кўрсатилган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилиши устидан назорат Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Автомобиль йўллари кўмитаси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси ва ДЙҲХХ томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Поездлар ҳаракатининг тезлиги соатига 200 километрдан ортиқ

бўлган юқори тезликдаги темир йўл йўналишларида янги темир йўл кесишмаларини лойиҳалаш ва очиш тақиқланади.

8. Янги автомобиль йўлларининг темир йўллар билан кесишган жойларини лойиҳалаш, шунингдек мавжудларини реконструкция ва капитал таъмирлаш автомобиль йўллари соҳасидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Мавжуд темир йўл кесишмаларини ёпиш, янгисини очиш, шунингдек йўл ўтказгичдан 5 километр ва ундан қисқа масофада жойлашган темир йўл кесишмаларининг фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва уларни ёпиш ДЙХХХ билан ҳамкорликда ҳамда темир йўл кесишмасини кесиб ўтувчи автомобиль йўли участкаси эгаси билан келишув асосида инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан Комиссия кўриги натижаларига кўра амалга оширилади.

Темир йўл кесишмаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларини ДЙХХХ билан келишиш Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 мартдаги 111-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесишмаларини, автомобиль йўллари ва кўчалар бўйида жойлашган АЁҚС, АГТКС ва АГҚС (автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдириш ва газ қуйиш) станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади.

10. Йўл ўтказгичда таъмирлаш ишларини амалга ошириш вақтида реверсив ҳаракат ташкил этишнинг имкони бўлмаса, транспорт воситалари, йўл ҳаракати қатнашчилари ва қурилиш техникаси узлуксиз ва хавфсиз ўтишини таъминлаш мақсадида йўл ўтказгичдан 5 километрдан қисқа масофада темир йўл кесишмасини мазкур Қоидаларнинг 7-бандида белгиланган талабни инобатга олган ҳолда очишга йўл қўйилади.

11. Темир йўл кесишмасини ёпишда инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан темир йўл кесишмасининг чегарасидаги йўл тўшмаси олиб ташланади, шунингдек темир йўл кесишмасига олиб борувчи йўлаклар рельс четидан камида 10 метр масофада йўлнинг тўлиқ кенлиги бўйича баландлиги 0,5 метрдан кам бўлмаган тўсиқ билан ҳамда зарур ҳолларда тўсиқлардан темир йўл томонга 2 метр масофада жойлаштириладиган чуқурлиги 0,6 метр ва эни 0,4 метр ўлчамдаги ариқлар билан тўсилади.

Бунда, ёпилаётган темир йўл кесишмасига олиб борадиган йўлларда ўрнатилган ва ушбу темир йўл кесишмаси мавжудлигини англатувчи оғолантириш белгилари олиб қўйилади ҳамда уларнинг ўрнига айланиб ўтиш йўналишини кўрсатувчи ахборот-кўрсатгич белгилари ўрнатилади.

12. Темир йўл кесишмаси ёпилганда ундаги барча жиҳозлар демонтаж қилинади, темир йўл кесишмаси вақтинчалик муддатга ёпилганда эса, ушбу муддат давомида автоматлашган темир йўл кесишмаси сигнализацияси ўчирилади ҳамда қўлда ҳаракатга келтириладиган горизонтал буриладиган (захира) шлагбаум бруслари транспорт воситалари ҳаракати учун ёпиқ ҳолатга келтирилади ва қулф билан ёпилади. Темир йўл кесишмасида автоматик

қурилмаларни ўчириш инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан амалга оширилади.

13. Инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси ёпиладиган темир йўл кесишмаларига олиб борувчи автомобиль йўлида ушбу йўл участкаси эгаси билан келишилган ҳолда транспорт воситалари бурилиб кетиши учун майдончалар ташкил этилишини таъминлаши керак.

14. Инфратузилма эгаси ва шохобча йўллари эгаси маҳаллий оммавий ахборот воситаларида темир йўл кесишмасининг ёпилиши тўғрисида унинг ёпилишидан камида ўн беш кун олдин эълон берилишини таъминлайди.

3-боб. Темир йўл кесишмаларининг таснифи ва тоифаларини аниқлаш

15. Темир йўл кесишмалари жойлашувига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

умумий фойдаланишдаги темир йўл кесишмалари — умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) шохобча йўллари умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари билан кесишган жой;

умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл кесишмалари — умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) шохобча йўллари шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари ҳамда хўжалик автомобиль йўллари билан кесишган жой.

Ташкилотлар (омбор, депо, элеватор ва бошқа шу кабилар) ҳудудидаги темир йўлларнинг ушбу ташкилотлар автомобиль йўллари билан кесишган ҳудудлари технологик ўтиш жойи бўлиб, улар темир йўл кесишмаси ҳисобланмайди.

16. Темир йўл кесишмалари уларда сутка давомида ҳаракатланувчи поездлар ва транспорт воситаларининг сонини (бундан буён матнда ҳаракат интенсивлиги деб юритилади) ҳисобга олган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида* келтирилган меъзонларга мувофиқ тўрт тоифага бўлинади.

17. Темир йўл кесишмалари тоифаларини аниқлашда поездлар ҳаракати интенсивлиги поездлар ҳаракати жадвалига мувофиқ, транспорт воситалари ҳаракати интенсивлиги эса инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасининг хронометражли кузатувлари бўйича аниқланади.

18. Поездлар ва транспорт воситалари ҳаракатининг интенсивлигидан келиб чиқиб, темир йўл кесишмаларининг тоифалари инфратузилма эгаси томонидан йилига камида бир маротаба ва шохобча йўллари эгалари томонидан 5 йилда камида бир маротаба қайта кўриб чиқилади.

19. Темир йўл кесишмалари тоифаларини қайта кўриб чиқиш Комиссия кўригини ўтказиш давомида амалга оширилади. Бунда, навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳамда навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилмайдиган темир йўл кесишмаларининг рўйхати тузилади.

20. Темир йўл кесишмалари улардан фойдаланишнинг тартибга соли-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нишига кўра тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган турларга бўлинади.

Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд ҳақида хабар берувчи кесишма сигнализацияси қурилмалари билан жиҳозланган ёки поездлар ва транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш вазифаси юклатилган навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган темир йўл кесишмалари тартибга солинадиган темир йўл кесишмалари ҳисобланади.

Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд ҳақида хабар берувчи кесишма сигнализацияси қурилмалари билан жиҳозланмаган ёки поездлар ва транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш вазифаси юклатилган навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилмайдиган темир йўл кесишмалари тартибга солинмайдиган темир йўл кесишмалари ҳисобланади.

21. Қўйидаги темир йўл кесишмаларида навбатчи ходим қўйилиши лозим:

а) поездлар ва транспорт воситалари ҳаракатининг интенсивлигидан қатъи назар, поездлар соатига 140 километрдан ортиқ тезликда ҳаракатланувчи темир йўл участкаларида жойлашган темир йўл кесишмаларида;

б) I тоифадаги темир йўл кесишмаларида;

в) темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) кесишма сигнализацияси созлигини назорат қилиш имконини берувчи қурилма ёки автоматлашган светофор сигнализацияси билан жиҳозланмаган II тоифадаги темир йўл кесишмаларида;

г) автомобиль йўли уч ва ундан ортиқ асосий йўллар билан кесишган темир йўл кесишмаларида;

д) қабул қилиш-жўнатиш темир йўлларидаги (темир йўл станцияси ичида жойлашган) темир йўл кесишмаларида;

е) кўриниш шароитлари қониқарсиз бўлган II тоифадаги темир йўл кесишмаларида ҳамда кўриниш шароитларидан қатъи назар, поездлар ҳаракат интенсивлиги кунига 16 тадан ортиқ поездни ташкил этадиган темир йўл кесишмаларида;

ж) кўриниш шароитлари қониқарсиз бўлган ва поездлар ҳаракат интенсивлиги суткасига 16 тадан ортиқ поездни ташкил этадиган III тоифадаги темир йўл кесишмаларида ҳамда кўриниш шароитларидан қатъи назар, поездлар ҳаракат интенсивлиги кунига 200 тадан ортиқ поездни ташкил этадиган темир йўл кесишмаларида.

Бунда, транспорт воситаси ҳайдовчиси темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поездни темир йўл кесишмасидан 400 метр масофада, поезд машинисти эса темир йўл кесишмасини 1000 метр масофада кўриш имконияти бўлмаса, темир йўл кесишмасининг кўриниш шароити қониқарсиз ҳисобланади.

22. Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезднинг транспорт воситаси ҳайдовчисига кўриниши зарур бўлган энг қисқа масофа ҳамда темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган транспорт воситасини тўхта-тиш учун темир йўл кесишмаси кўриниши зарур бўлган энг қисқа масофа

мазкур Қоидаларнинг тегишлилигига кўра 2 ва 3-иловаларида* келтирилган меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

23. Қўйидаги ҳолатларда навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатишни тўхтатган ҳолда темир йўл кесишмаларини навбатчи ходимсиз фойдаланишга ўтказиш мумкин:

а) темир йўл кесишмасининг тоифаси қўйи тоифага ўзгартирилганда (бундан мазкур Қоидаларнинг 21-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно);

б) II, III ва IV тоифадаги темир йўл кесишмалари темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) кесишма сигнализацияси созлигини назорат қилиш имконини берувчи қурилма ҳамда автоматлашган светофор сигнализацияси билан жиҳозланганда.

24. Темир йўл кесишмаларида навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилишини тўхтатишдан аввал инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) темир йўл кесишмасининг автоматлашган сигнализацияси (мавжуд бўлса) созлигини назорат қилиш имконини берувчи қурилма ўрнатиш;

б) автоматлашган, ярим автоматлашган ва электрлаштирилган шлагбаумлар, КТҚ, шунингдек навбатчи ходим томонидан темир йўл кесишмасига хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган бошқа қурилмаларни демонтаж қилиш;

в) темир йўл кесишмаси чегараларидаги йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича техник воситаларни алмаштириш.

25. Темир йўл кесишмаларини навбатчи ходимсиз фойдаланишга ўтказишдан камида ўн беш кун олдин инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси автомобиль йўли эгаси билан келишилган жойларда тегишли темир йўл кесишмаси навбатчи ходимсиз фойдаланишга ўтказилиши ҳақида (санаси кўрсатилган ҳолда) ахборот-огоҳлантирувчи белгилар ўрнатиши ва уларни бир ой мuddат давомида сақлаб туриши лозим.

4-боб. Темир йўл кесишмаларининг тузилиши, жиҳозланиши ва улардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

26. Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган транспорт воситасини тўхтатиш учун темир йўл кесишмаси кўриниши зарур бўлган энг қисқа масофа меъёрларига жавоб бермайдиган шохобча йўллари билан автомобиль йўллари кесишган жойларда йўл кўзгулари ўрнатилади.

Йўл кўзгуларини ўрнатиш жойларини танлашда ва кўзгуларнинг акс эттирувчи юзасини транспорт воситаси ҳайдовчисига қаратишда йўлнинг кўринмайдиган қисми йўл кўзгуларида кўринишини таъминлаш лозим.

27. Инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси билан келишув асосида кесишма сигнализацияси ўрнатилган темир йўл кесишмаларида

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Комиссия хулосасига кўра янги автобус йўналишининг очилишига йўл қўйилади.

28. Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезднинг транспорт воситаси ҳайдовчисига кўриниши зарур бўлган энг қисқа масофа меъёрларига мувофиқ темир йўл кесишмалари темир йўллар ва автомобиль йўларининг тўғри бурчак остидаги текис участкаларида, шунингдек кўриниш шароитлари қониқарли бўлган жойларда жойлаштирилиши керак. Бунда, ушбу талабга риоя қилишнинг имкони бўлмаса, кесишувчи йўллар орасидаги ўтқир бурчак 60 даражадан кам бўлмаслиги керак.

29. Темир йўл кесишмаларида чекка рельсдан 10 метрдан кам бўлмаган масофадаги автомобиль йўли горизонтал текисликда жойлашган бўлиши керак.

Темир йўл кесишмаларига туташган автомобиль йўллари чекка рельсдан 50 метрдан кам бўлмаган масофада бўйлама қиялиги 30 минглик ўлчамдан кўп бўлмаган ҳолда лойиҳалаштирилиши керак.

30. Темир йўл кесишмаси қатнов қисмининг кенглиги автомобиль йўли қатнов қисми кенглигига тенг бўлиши, бироқ 6 метрдан кам бўлмаслиги, чорва молларини ҳайдаб ўтиш жойларидаги йўл тўшамаси кенглиги эса 4 метрдан кам бўлмаслиги керак.

31. Йўл тўшамаси конструкциясидан келиб чиқиб, темир йўл ҳаракатдаги таркиби ғилдирак жуфтларининг бир текисда ўтишини таъминлаш учун йўл тўшамаси чегараларида контррельслар ўрнатилади. Уларнинг 50 сантиметр узунликдаги учлари икки рельс оралиғининг ички томонига қараб 25 сантиметрга эгилади. Бунда, тарновнинг кенглиги 75 дан 110 миллиметргача бўлган ораликда ўрнатилиши, унинг чуқурлиги эса 45 миллиметрдан кам бўлмаслиги лозим.

32. Навбатчи ходим мавжуд бўлган темир йўл кесишмаларида ҳар бир темир йўлнинг икки рельс оралиғида (бир йўлли участкаларда — ҳар икки томондан) йўл тўшамасидан 0,75 дан 1,0 метргача бўлган масофада поездни тўхтатиш кўчма сигналларини (қизил шитлар, чироқлар), шунингдек темир йўл ҳаракатдаги таркибининг пастки ногабаритлигини аниқлашга мўлжалланган қурилмалар учун темир қувур кўринишидаги мосламалар ўрнатиш лозим.

33. Шлагбаум устунлари, кесишма сигнализациясининг светофор мачталари, тўсиқлар, панжаралар ва йўналтирувчи (сигнал) устунлар автомобиль йўли қатнов қисми четидан 0,75 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилиши лозим.

Бунда, йўналтирувчи (сигнал) устунлар темир йўл кесишмасининг икки томонида четдаги рельслардан 2,5 дан 16 метргача бўлган масофада ҳар 1,5 метрда ўрнатилади. Йўналтирувчи (сигнал) устунлар инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан ўрнатилади.

34. Темир йўл кесишмаларининг чорва молларини ҳайдаб ўтиш учун мўлжалланган жойларида баландлиги 1,2 метр бўлган темирбетон, ёғоч ёки темирдан ясалган девор тўсиқлар ёхуд панжаралар ўрнатилади ҳамда захира шлагбаумларига тўсувчи тўрлар осилади.

35. Автомобиль йўллари томонидан темир йўл кесишмаларига туташган йўл ҳаракатини ташкил этувчи техник воситалар Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига (бундан буён матнда Йўл ҳаракати қоидалари деб юритилади) мувофиқ ўрнатилади.

36. Темир йўл кесишмалари аҳоли пунктларида жойлашган ва уларга пиёдалар йўлчалари мавжуд автомобиль йўллари туташган бўлса, темир йўл кесишмалари инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан пиёдалар йўлчалари ва товушли сигнализация билан жиҳозланади.

37. Транспорт воситаларининг темир йўл кесишмасига киришига тўсиқ бўлувчи КТҚ билан жиҳозланган темир йўл кесишмалари пиёдалар йўлчалари билан таъминланиши, шунингдек темир йўл кесишмаларига туташган йўллар темир йўл кесишмасида киришга тўсиқлик қилувчи қурилмалар мавжудлиги тўғрисида ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи ахборот-огоҳлантирувчи белгилар билан жиҳозланиши керак.

38. КТҚ автомобиль йўли қатнов қисмининг йўл қопламаси билан бир хил сатҳда ўрнатилади. Шлагбаумлар туширилгандан сўнг КТҚ плиталари яқинлашиб келаётган транспорт воситаси томонга 0,45 метр ($\pm 0,05$ метр) баландликда кўтарилиб, автомобиль йўлининг қатнов қисмини тўлиқ тўсиши керак. КТҚ қурилмасининг устида транспорт воситалари бўлганида плиталар кўтарилишига йўл қўйилмаслиги керак.

39. Темир йўл кесишмаларига яқинлашиш йўлларида (темир йўл йўналиши томонида) поезд машинистлари томонидан товушли сигнал чалиниши лозимлиги ҳақида доимий огоҳлантирувчи сигнал белгилари («С») ўрнатилади.

Огоҳлантирувчи сигнал белгилари («С») поезд ҳаракатининг йўналиши бўйича ўнг томондан 500 дан 1500 метргача масофада, поездлар соатига 120 километрдан ортиқ тезликда ҳаракатланувчи станциялар оралиқларидаги темир йўлларда эса темир йўл кесишмасидан 800 дан 1500 метргача масофада ўрнатилади. Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл кесишмалари олд томонида огоҳлантирувчи сигнал белгилари («С») маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда 100 дан 300 метргача бўлган масофада ўрнатилади.

40. Навбатчи ходим мавжуд бўлмаган ҳамда машинистлар кўриши қийин бўлган темир йўл кесишмалари олд томонида, шунингдек темир йўл кесишмасидан 250 метр масофада қўшимча огоҳлантирувчи сигнал белгилари («С») ўрнатилиши керак (поездлар соатига 120 километрдан ортиқ тезлик билан ҳаракатланувчи станциялар оралиқларидаги темир йўлларда — 400 метр масофада ўрнатилади).

41. Темир йўл кесишмасида кесишма сигнализацияси мавжуд бўлса, Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.3.1 «Бир изли темир йўл» ёки 1.3.2 «Кўп изли темир йўл» огоҳлантирувчи йўл белгилари светофорлар билан бир устунда, устун бўлмаганда эса энг яқин рельсдан 20 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади.

42. Тартибга солинмайдиган темир йўл кесишмалари олд томонида энг

яқин рельсдан 50 метрдан ортиқ бўлмаган узокликда жойлашган транспорт воситалари ҳайдовчиларига мазкур Қоидаларнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ ҳисобланган узунликка тенг масофада поезд кўриниши таъминланмаган бўлса, энг яқин рельсгача 10 метр масофада Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 2.5 «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси ўрнатилади.

Бундай темир йўл кесишмалари қайта жиҳозланишидан аввал, уларнинг олдида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан поездлар ҳаракат тезлигига доимий чеклов ўрнатилади.

43. Электрлаштирилган темир йўлларда темир йўл кесишмаларининг ҳар икки томонида шлагбаумлардан камида 5 метр масофада, улар мавжуд бўлмаганда эса четдаги рельсдан камида 14 метр масофада Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ «4.5 м» рақами акс этган 3.13 «Чекланган баландлик» тақиқлаш йўл белгилари ўрнатилади.

44. Темир йўл кесишмаларига туташган жойларда автомобиль йўллари томонидан шлагбаумлар олд томонида, улар мавжуд бўлмаганда эса Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ўрнатилган 1.3.1 «Бир изли темир йўл» ёки 1.3.2 «Кўп изли темир йўл» огоҳлантирувчи йўл белгилари олд томонида 150 — 300 метр масофада 1.1 «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси» ёки 1.2 «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси» огоҳлантирувчи ва бошқа йўл белгилари ўрнатилади. Аҳоли пунктлари ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл кесишмаларига туташган йўлларда бундай белгилар четдаги рельслардан 50 — 100 метр масофада ўрнатилади.

45. Транспорт воситаси бир йўналишда ҳаракатланиши учун икки ва ундан ортиқ бўлакли автомобиль йўлларида, шунингдек бир бўлакли йўлларда темир йўл кесишмасининг кўриниш масофаси аҳоли яшамайдиган жойларда 300 метрдан, аҳоли яшайдиган жойларда эса 100 метрдан кам бўлганда Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.1 «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси» ва 1.2 «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси» белгилари такрор ўрнатилиши керак.

46. Навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган темир йўл кесишмаларида кечаю-кундуз навбатчилик тартиби ўрнатилади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл кесишмаларида, шунингдек ҳаракат интенсивлиги паст бўлган темир йўл участкаларида жойлашган умумий фойдаланишдаги темир йўл кесишмаларида кечаю-кундуз навбатчилик тартиби ўрнатилмаслиги мумкин.

Бунда, навбатчи ходимдан бошқа шахсларнинг бошқарув шитидаги автоматлашган кесишма сигнализацияси ва КТҚдан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

47. Темир йўл кесишмаси фаолиятида вақтинчалик танаффус юзага келган тақдирда автоматлашган (ярим автоматлашган, электрлаштирилган) шлагбаумлар навбатчи ходим томонидан ёпиқ (горизонтал) ҳолатга келтирилади ва автомобиль йўлининг қатнов қисмини тўлиқ тўсувчи захира шлагбаумлар эса тўсиш ҳолатига ўтказилади ва қулфланади.

48. Кечаю-кундуз навбатчилик тартиби ўрнатилмаган темир йўл кесишмалари рўйхати ва уларнинг иш соатлари ҳақида инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси ДЙХХХ ва темир йўл кесишмалари жойлашган автомобиль йўли эгасини ёзма равишда хабардор қилади.

49. Ҳаракат интенсивлиги паст бўлган темир йўлларда жойлашган ҳамда горизонтал буриладиган (захира) шлагбаумлар билан жиҳозланган темир йўл кесишмалари инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан поезд тузувчи ёки локомотив бригадаси бошқарадиган светофор сигнализацияси билан жиҳозланади.

Бунда, темир йўл кесишмалари поезд тузувчи ёки локомотив бригадаси бошқарадиган светофор сигнализацияси билан жиҳозлангунга қадар горизонтал буриладиган шлагбаумлар сақлаб турилади ва бундай кесишмаларга навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилмайди.

50. Автоматлашган, ярим автоматлашган ва электрлаштирилган шлагбаумларнинг бруслари қизил рангли нур қайтарувчи қурилмалар билан жиҳозланиши ёки нур қайтарувчи бўёқ билан бўялиши ҳамда 4, 6 ёхуд 8 метр узунликка эга бўлиши лозим.

51. Автоматлашган, ярим автоматлашган ва электрлаштирилган шлагбаумлар транспорт воситалари ҳаракатининг йўналиши бўйича автомобиль йўлининг ўнг томонидан қатнов қисмининг камида ярмини ёпиши керак. Бунда, қатнов қисмини тўлиқ беркитувчи шлагбаумлар ўрнатилиши мумкин.

52. Транспорт воситаларининг ҳаракат интенсивлиги юқори бўлган, навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган, шунингдек тезюрар йўловчи поездлари ҳаракатланадиган темир йўл кесишмаларида транспорт воситалари кириб келишининг олдини олиш учун КТҚ қўлланилиши мумкин.

53. Механизациялашган шлагбаумлар автомобиль йўлининг қатнов қисмини тўлиқ тўсиши ҳамда куннинг қоронғи вақтида ва кундузи кўриш яхши бўлмаган шароитларда (туман, бўрон ва бошқа ноқулай шароитларда) қўлланиладиган сигнал чирокларига эга бўлиши лозим.

54. Механизациялашган шлагбаумларнинг брусларига ўрнатилган сигнал чироклари қуйидаги сигналларни узатиши керак:

а) автомобиль йўли томон:

шлагбаумлар ёпиқ ҳолатда бўлганида — қизил сигнал (чирок);

шлагбаумлар очик ҳолатда бўлганида — шаффоф оқ сигнал (чирок);

б) темир йўл томон шлагбаумларнинг ҳам очик, ҳам ёпиқ ҳолатларида — шаффоф оқ назорат сигнали (чирок) узатилади.

55. Шлагбаумлар темир йўл кесишмасининг ҳар икки томонида, автомобиль йўли четининг ўнг томонида ўрнатилиши ва уларнинг бруслари ёпиқ ҳолатда автомобиль йўли қатнов қисми юзасидан 1 дан 1,25 метргача баландликда жойлашиши лозим.

Бунда, механизациялашган шлагбаумлар четдаги рельсдан 8,5 метрдан кам бўлмаган ва 14 метрдан кўп бўлмаган масофада жойлаштирилади.

56. Автоматлашган, ярим автоматлашган ва электрлаштирилган шлаг-

баумлар брус узунлигидан (4, 6 ёки 8 метр) келиб чиқиб, четдаги рельсдан 6, 8 ёки 10 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади.

57. Темир йўл инфратузилмасида таъмирлаш ишлари амалга оширилганда темир йўл кесишмасини тўсиш учун автомобиль йўлининг қатнов қисмини тўлиқ беркитувчи ва шлагбаумлардан автомобиль йўли томонга 1 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатиловчи горизонтал буриладиган (захира) шлагбаумлардан фойдаланилади. Бунда, шлагбаумлар уларни очик ва ёпиқ ҳолатда маҳкамлаш ва сигнал чироқларини илиб қўйиш мосламаларига эга бўлиши керак.

58. Шлагбаумларнинг бруслари (асосий ва захира) навбатма-навбат ўзгарувчи қизил ва оқ рангдаги горизонтал, автомобиль йўли томондан қаралганда 45 дан 50 даражагача бурчак остида ўнгга эгилган чизиқлар билан бўялади. Чизиқларнинг кенглиги 500 дан 600 миллиметргача бўлиши, бруснинг учида эса 250 дан 300 миллиметргача кенгликдаги қизил чизиқ чизилган бўлиши лозим.

59. Автоматлашган ва ярим автоматлашган шлагбаумларнинг очик ҳолати, электрлаштирилган ва механизациялашган шлагбаумларнинг эса ёпиқ ҳолати нормал ҳолатда туриш ҳисобланади.

Нормал ҳолатда турмаган шлагбаумлар фақат темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд мавжуд бўлмагандагина транспорт воситаларини ўтказиш учун очилиши мумкин.

60. Ҳаракат икки томонлама бўлган ва чизиқлар билан белгиланган учта бўлакли йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимини ажратиш учун темир йўл кесишмалари яқинида четдаги рельсдан 100 метр масофада Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.1 ётиқ чизиғи чизилади.

61. Шлагбаум ёки светофордан 5 метрдан кам бўлмаган масофада Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.12 «Тўхташ чизиғи» белгиси чизилиши керак. Бунда, шлагбаум ёки светофор мавжуд бўлмаганда 1.12 «Тўхташ чизиғи» белгиси энг яқин рельсдан 10 метрдан кам бўлмаган масофада 2.5 «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади» белгиси тўғрисида чизилади.

62. Йўлнинг битта ҳаракат йўналишида икки ёки ундан ортиқ ҳаракатланиш бўлаклари чегараларини белгилаш учун темир йўл кесишмалари олд томонида транспорт воситаларининг рухсат этилган тезлиги соатига 60 километргача бўлганда 20 метрдан кам бўлмаган масофада, соатига 60 километрдан ортиқ бўлганда эса 40 метрдан кам бўлмаган масофада Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.12 «Тўхташ чизиғи» белгисидан 1.3 ётиқ чизиғи чизилади.

63. Навбатчи ходимлар томонидан хизмат кўрсатиладиган темир йўл кесишмаларида наватчи ходимлар учун мўлжалланган хоналар — темир йўл бўйлаб автомобиль йўли томонидан кириб-чиқиладиган бино қурилиши керак. Бунда, бинонинг темир йўл томонга чиқиш қисми панжаралар билан тўсилади.

64. Темир йўл кесишмаси чегараларида ёриқлик даражаси I тоифада — 5 люкс; II тоифада — 3 люкс; III тоифада — 2 люкс; IV тоифада — 1 люксдан кам бўлмаслиги керак.

65. Ўтаётган поездларни кузатиш учун темир йўл кесишмалари прожектор (ёритгич) мосламалари билан жиҳозланади.

66. Кесишма сигнализацияси қурилмалари электр таъминоти ишончилиги бўйича биринчи тоифага мансуб бўлган иккита мустақил таъминлаш манбаларидан электр таъминоти билан таъминланиши керак.

67. Битта электр таъминот манбаси мавжуд бўлган темир йўл кесишмаларида захира электр таъминоти бўлмаган тақдирда темир йўл кесишмасини ва тўсиш светофорларини қувватлантириш учун аккумулятор захираси ўрнатилиши лозим. Бунда, қувватлантирувчи аккумулятор захираси 8 соатдан кам бўлмаган муддат давомида тўхтовсиз ишлай оладиган қувватга эга бўлиши керак.

68. Навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган темир йўл кесишмалари темир йўл станцияси навбатчиси ҳамда марказлашган диспетчерлик участкаларининг поезд диспетчерлари билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси ва поезд радиоалоқа воситалари билан таъминланиши керак.

Навбатчи ходимни ёки унинг вазифасини бажарувчи ходимни телефон алоқаси орқали чақириш учун темир йўл кесишмаларида қўшимча равишда ташқи кўнғироқ (товушли чакирув) ўрнатилади.

69. Навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилмайдиган ҳамда автоматлашган блокировка билан жиҳозланган перегонларда жойлашган темир йўл кесишмаларида пиёдалар учун темир йўл кесишмасида ҳаракатланиш тақиқланганлиги тўғрисида хабар берувчи иккита қизил ва битта оқ сигналли (чироқли) қўшимча товушли сигнализацияга эга кесишма светофорлари ўрнатилади.

70. Темир йўл станциясида ҳамда темир йўл станциясидан узоқлашиш участкаларида жойлашган ва навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатилмайдиган темир йўл кесишмаларида пиёдалар учун темир йўл кесишмасида ҳаракатланиш тақиқланганлиги тўғрисида хабар берувчи қўшимча товушли сигнализацияга эга кесишма светофорлари ва навбатма-навбат милтилловчи иккита қизил сигнал (чироқ) ўрнатилади.

71. Кесишма сигнализацияси светофорлари транспорт воситалари ҳаракати йўналиши бўйича ўнг томонда ўрнатилади. Кўриш шароитлари ва ҳаракат интенсивлигини ҳисобга олиб, қўшимча светофор каллаклари ёки кесишма светофорини такрорловчилари ўрнатилиши мумкин.

72. Автомобиль йўлларида навбатчи ходим томонидан хизмат кўрсатиладиган темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланиш тақиқланганлиги тўғрисида хабар берувчи товушли сигнализация ва транспорт воситалари ҳаракатига тўсиқ бўладиган қўшимча нур қайтарувчи брус кўринишидаги автоматлашган ёки ярим автоматлашган шлагбаумлар ва навбатма-навбат милтилловчи қизил сигналли (чироқли) кесишма светофорлари ўрнатилади.

73. Кесишма сигнализацияси ўчиши ёки унинг носоз ҳолатларида энг яқин темир йўл станцияси навбатчисига ёки поезд диспетчерига кесишма сигнализацияси носозлиги тўғрисидаги хабарнома автоматик равишда уза-тилади.

Инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси шу куннинг ўзида кесишма сигнализация қурилмаларининг ишлашини тиклаши лозим.

74. Поезд темир йўл кесишмасига яқинлашгунига қадар транспорт воситалари темир йўл кесишмасини бўшатиши учун автоматлашган светофор сигнализацияси автомобиль йўли томонга тўхташ сигнали узатилишини таъминлаши керак. Автомобиль йўли томонга тўхташ сигнали узатилиши поезд темир йўл кесишмасидан ўтиб бўлганидан сўнг тўхтатилиши керак.

75. Поезд темир йўл кесишмасидан ўтиб бўлганидан сўнг автоматлашган шлагбаумларнинг бруслари вертикал ҳолатга кўтарилиши, шундан сўнг светофорлардаги қизил сигналлар (чироқлар) ўчирилиши керак.

76. Шлагбаум брусини тушириш вақтида темир йўл кесишмасида катта ҳажмли транспорт воситаси ҳаракатланганда шлагбаум брусини шикастланишининг олдини олиш мақсадида бошқарув шити «Тутиб туриш» («Очиш»/«Тутиб туриш») тугмаси билан жиҳозланиши, бунда брусларнинг навбатчи ходим томонидан тутиб турилиш вақти 10 сониядан ошмаслиги керак.

77. Ярим автоматлашган шлагбаумлар билан жиҳозланган темир йўл кесишмаларида «Тутиб туриш» («Очиш»/«Тутиб туриш») тугмаси тўсувчи шлагбаум брусларини кўтариш учун ҳам қўлланилади.

78. Поезд яқинлашиш участкаси ва темир йўл кесишмасидан ўтиб бўлганидан сўнг навбатчи ходим шлагбаумни очиқ ҳолатга ўтказиши ва товушли сигналларни ўчириш учун «Тутиб туриш» («Очиш»/«Тутиб туриш») тугмасини босиб туриши лозим.

79. Кесишма сигнализациясини бошқариш шитлари навбатчи ходим хонасининг ташқарисида, темир йўлнинг ва темир йўл кесишмасига туташган автомобиль йўлининг кўриниши яхши бўлган жойларида ўрнатилади.

80. Кесишма сигнализацияларидан фойдаланиш инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига* мувофиқ тайёрланадиган йўриқномага (бундан буён матнда маҳаллий йўриқнома деб юритилади) кўра амалга оширилади. Маҳаллий йўриқнома беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилиши лозим.

81. Автоматлашган кесишма сигнализацияси билан жиҳозланган I ва II тоифадаги темир йўл кесишмаларида инфратузилма эгаси ва шохобча йўллари эгаси томонидан видео қайд этиш техника воситалари ўрнатилади.

5-боб. Темир йўл кесишмаларида навбатчи ходимлар хизматини ташкил этиш

82. Навбатчи ходим лавозимига поездлар ҳаракати бўйича камида 3 ойлик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланади.

83. Навбатчилик вақтида навбатчи ходимнинг ёнида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) темир йўл ташкилотлари ходимларига товушли сигнал бериш учун сигнал бурғуси;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) ҳаракат қатнашчилари эътиборини жалб этиш учун қўшимча сигнал бериш ҳуштаги;

в) иккита сигнал байроғи (қизил ва сарик), шунингдек куннинг қоронғи ёки кўриш ёмон бўлган (туман, бўрон ва бошқа ноқулай шароитлар) ёруғ вақтида кўринувчи сигналлар узатиш учун мўлжалланган сигнал чироғи.

84. Навбатчи ходимлар хизматини ташкил этиш учун темир йўл кесишмаси биносида қуйидагилар бўлиши керак:

а) темир йўл кесишмаси бўйича навбатчилик жадвали;

б) Йўл ҳаракати қоидалари, мазкур Қоидалар ва маҳаллий йўриқнома-нинг матни;

в) мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига* мувофиқ темир йўл кесишмаси карточкаси;

г) йўловчи поездларининг ҳаракат жадвали;

д) навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш бўйича ёзма ёки электрон шаклдаги китоб (бундан буён матнда Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китоби деб юритилади);

е) умумий фойдаланишдаги темир йўлларда жойлашган темир йўл кесишмаларида поездлар ҳаракатини тўхтатиш зарурияти юзага келган тақдирда поезд машинистини огоҳлантиришга мўлжалланган 6 дона петарда (уч ва ундан ортиқ йўлли темир йўл участкаларида 12 дона);

ё) вақтни назорат қилиш учун девор соат;

ж) йўл ҳаракатини бошқариш таёқчаси (жезл) ва қизил рангли қўл боғичи;

з) темир йўл кесишмасида тўхтаб қолган транспорт воситаларини шатакка олиш учун узунлиги 4 дан 6 метргача бўлган пўлат арқон (трос);

и) темир йўл кесишмасини кесиб ўтувчи темир йўл учун битта кўчма қизил шит, битта сигнал ёритгич (фонарь), шунингдек битта захира кўчма шит ва битта захира сигнал ёритгич;

й) сигнал байроқларининг битта захира тўплами;

к) темир йўл кесишмасидаги пломбаланган жиҳозлар ва қурилмалар рўйхати.

85. Қиш мавсумида ер музлаган вақтда темир йўл кесишмаси чегарасидаги (темир йўлдан шлагбаум ўқигача, шлагбаум бўлмаган жойда эса Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ 1.3.1 «Бир изли темир йўл» ва 1.3.2 «Кўп изли темир йўл» белгилари ўрнатилган жойгача бўлган худуд) қатнов қисмига ва пиёдалар йўлкаларига сепиш учун қум захираси мавжуд бўлиши керак.

86. Навбатчи ходим навбатчилик бошланишидан олдин қуйидагиларни кўздан кечириши лозим:

а) темир йўл кесишмасининг ҳар икки томонидан 50 метр масофада жойлашган темир йўллар ҳолатини;

б) кесишма сигнализацияси, темир йўл кесишмаси жиҳозлари ва темир йўл кесишмаси чегарасида жойлашган барча қурилмалар созлиги ва ҳолатини;

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) темир йўл кесишмасидаги пломбаланган жиҳозлар ва қурилмаларда пломбанинг мавжудлигини;

г) петарда ҳамда ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари мавжудлиги ва ҳолатини.

87. Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китобига кесишма сигнализацияси, тўсиш сигнализацияси, шлагбаумлар, КТҚ ва телефон (радио) алоқасидаги носозликларнинг (мавжуд бўлса) бартараф этилганлиги тўғрисида, шунингдек темир йўл кесишмасида автоматик равишда ишлайдиган ускуналар мавжуд бўлса, «Автоматика соз» ёки «Автоматика носоз» ёзуви қайд этилади.

88. Поездлар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи носозлик аниқланганда ушбу носозликни шу вақтнинг ўзида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, навбатчи ходим носозлик аниқланган жойни тўхташ сигналлари билан тўсган ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаши ва дарҳол бу тўғрисида темир йўл станцияси навбатчиси (поезд диспетчери) ҳамда инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасига хабар бериши керак.

89. Носозлик бартараф этилган вақтнинг ўзида инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасининг вакили (таъмирловчи) бу ҳақда Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китобига тегишли ёзув киритади. Бунда, Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китобига тегишли ёзув киритилгунга қадар носоз қурилмалардан фойдаланиш тақиқланади.

90. Навбатчилик вақтида навбатчи ходим қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) белгиланган вақтда шлагбаумни очиш, тегишли сигналларни узатиш, ўтиб кетаётган поездларнинг ҳолатини кузатиш, ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи носозлик аниқланганда поездни тўхтатиш чораларини кўриш, поезднинг охириги вағонида унинг охириги вағон эканлигини аниқлаш белги бўлмаганда бу ҳақда станция навбатчисига ва поезд диспетчерига хабар бериш;

б) тезлиги соатига 140 километрдан ортиқ бўлган йўловчи поездни ўтказишдан ўн дақиқа аввал шлагбаумларни ёпган ҳолда темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиш;

в) темир йўл кесишмаси орқали чорва моллари ҳайдаб ўтилишини поезд ўтишидан камида беш дақиқа аввал, тезлиги соатига 140 километрдан ортиқ бўлган йўловчи поездни ўтказишдан эса камида 20 дақиқа аввал тўхтатиш;

г) темир йўл кесишмасида ҳар қандай транспорт воситалари ҳамда механизмлар, шунингдек пиёдалар ва чорва моллари тўхтаб туришига йўл қўймаслик;

д) поезд филдиракларининг ён гардиши эркин ҳаракатланиши учун контррельслар тарновини тозалаш ва темир йўл кесишмаси чегарасидаги майдонни доимий тоза тутиш;

е) шлагбаумларнинг бруслари, сигнализация қурилмалари, қор тозалаш машиналари ўтиши учун огоҳлантирувчи ва вақтинчалик сигнал белгилари соз ҳолатда бўлишини кузатиб туриш;

ж) темир йўл кесишмаси ва шлагбаумларда чироқларни ёқиш, ташқи ёритиш ва прожектор мосламаларини ўз вақтида ёқиш ва ўчириш;

з) рельс силжишининг олдини олувчи мосламаларни маҳкамлаш, темир йўл кесишмасининг ҳар икки томонидан 50 метр масофагача бўлган қисмида темир йўлларни қор ва ўтлардан тозалаш, темир йўл кесишмасидан бегона буюмларни олиб ташлаш;

и) техника хавфсизлиги ва санитария-эпидемиология талабларига риоя этиш.

91. Навбатчи ходим темир йўл кесишмаси ҳудудида назорат олиб бориши керак. Кесишма постидан кетиб қолиш ёки темир йўл кесишмасига хизмат кўрсатишни вақтинча бошқа шахсларга топшириш тақиқланади. Бунда, навбатчи ходим темир йўл кесишмаси транспорт воситаларидан ҳоли эканлигига ва яқинлашиб келаётган поездлар йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг хизмат хонасига кириши мумкин.

92. Навбатчи ходим поезд яқинлашганда шлагбаумнинг брусларини ёпиши, шундан кейин темир йўл кесишмасидаги ва унинг ҳар иккала томонидаги темир йўлнинг бўшлигини кўздан кечириши ҳамда поезд темир йўл кесишмасига камида 400 метр масофада яқинлашганида темир йўлдан чиқиши керак.

93. Навбатчи ходим поездни кузатаётганда қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) темир йўлга қараган ҳолда бошини поезд харакати томонга 45 даража бурчак остида буриш, темир йўл кесишмаси биноси ёнида четдаги рельсдан камида 2 метр, тезлиги соатига 140 километрдан ортиқ бўлган поездни кузатишда камида 4 метр, тезлиги соатига 160 километрдан ортиқ бўлган поездни кузатишда камида 5 метр масофада туриш;

б) темир йўл бўш бўлганда куннинг ёруғ вақтида — ёйилган ҳолатдаги сариқ байроқ, қоронғи вақтида — оқ сигналли (чироқли) қўл ёритгичи билан сигнал бериш;

в) темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд тезлигини пасайтириш мақсадида куннинг ёруғ вақтида — ёйилган ҳолатдаги сариқ байроқ, қоронғи вақтида — оқ сигналли (чироқли) қўл ёритгичини (темир йўл станцияларида — сариқ сигналли (чироқли) қўл ёритгичи), агар бундай ёритгич мавжуд бўлмаса — оқ сигналли (чироқли) қўл ёритгичини тепага ва пастга ҳаракатлантириш.

Поезд ўтганидан сўнг навбатчи ходим ушбу поезд ортидан ёки қўшни темир йўллардан бошқа поезд келмаётганига ишонч ҳосил қилиши, шундан кейингина шлагбаумларни очиши ва темир йўл кесишмаси орқали транспорт воситалари ёки чорва молларини ўтказиши лозим.

Бунда, темир йўл кесишмасидан дрезина ўтган тақдирда навбатчи ходим йиғилган ҳолатдаги сариқ байроқни ёйилган ҳолатдаги қизил байроқ билан алмаштириши ва дрезина темир йўл кесишмасидан 200 дан 250 метргача узоқлашмагунга қадар уни ушлаб туриши керак.

94. Поезд темир йўл кесишмасидан ўтишида навбатчи ходим қўйидаги ҳолларда поезд машинистига тўхташ сигналинини беради:

а) ҳаракатланаётган поездда ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи носозликни сезганда (масалан, айланмасдан сирғалиб кетаётган ёки кучли зарба товушини чиқараётган филдирак, ёнғин, буксанинг қизиши, поезддан йўловчи ёки юкнинг қулаб кетиши хавфи);

б) икки йўлли темир йўлда нотўғри йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган локомотивда тегишли сигналлар бўлмаганда;

в) поезд бир темир йўлда бошқа бир поездга қарама-қарши йўналишда юраётганини ёки бир поезд бошқа бир поездни қувиб етиш хавфи (бунда, тўхташ сигнали қувиб етиши эҳтимоли бўлган поездга берилади) мавжудлигини сезганда;

г) поезд машинистига поезд таркибидан берилаётган тўхташ сигналларига қарамасдан поезд ҳаракатланишда давом этганда;

д) темир йўлнинг ён-атрофида ёнғин содир бўлганда ёки ҳаракат хавфсизлиги ва инсон ҳаётига таҳдид солувчи бошқа барча ҳолатларда.

95. Навбатчи ходим темир йўл кесишмасидан ўтаётган поездда аниқланган носозликлар ҳақида телефон (радио) алоқаси воситалари орқали ушбу поезд машинистига, шунингдек темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) хабар бериши керак.

96. Ярим автоматлашган шлагбаумлар билан жиҳозланган темир йўл кесишмаларида поезд темир йўл кесишмасидан ўтиб кетгандан кейин навбатчи ходим томонидан бошқарув шитидаги «Очиш» тугмаси босилганда шлагбаумлар очилади.

Бунда, ярим автоматлашган шлагбаумлар «Очиш» тугмаси босилганда очиқ ҳолатга, автоматлашган шлагбаумлар эса автоматик равишда очиқ ҳолатга ўтмаса, навбатчи ходим транспорт воситаларини темир йўл кесишмаси орқали ўтказиш учун қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) темир йўл станцияси навбатчиси (темир йўл кесишмаси перегонда жойлашганда эса қўшни темир йўл станцияси навбатчиси) орқали темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд йўқлигини аниқлаши;

б) кесишма сигнализациясининг бошқарув шитидаги назорат чироқлари орқали тўсиш светофорлари ёқилганлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда «Тўсиш сигнализациясини ёқиш» тугмасини пломбдан ечиши ва уни бошиши;

в) автоматлашган қурилмаларнинг носозлиги ҳамда пломбаланган «Тўсиш сигнализациясини ёқиш» ва «Аварияли очиш» тугмасидан фойдаланилганлиги ҳақида шу вақтнинг ўзида Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китобига қайд киритиши ва бу ҳақда дарҳол темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) ҳамда инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасига хабар бериши;

г) транспорт воситалари шлагбаумдан ўтиб кетгунга қадар «Аварияли очиш» тугмасини босилган ҳолатда ушлаб туриши.

97. Навбатчи ходим «Аварияли очиш» тугмасини босилган ҳолатда ушлаб туриш вақтида светофорли ва товушли сигнализацияни ўчириши, шунингдек шлагбаумларни очиши ва уларнинг бошқарувини ўз зиммасига олиши лозим.

Навбатчи ходим транспорт воситалари шлагбаумдан ўтиб бўлганидан кейин «Аварияли очиш» тугмасини қўйиб юбориши, кесишма сигнализацияси ёқилиши ва шлагбаумлар ёпиқ ҳолатга ўтказилиши, шундан сўнг эса «Тўсиш сигнализациясини ёқиш» тугмаси ўчирилиши лозим.

Бунда, навбатчи ходим темир йўл станцияси навбатчиси (поезд диспетчери) ҳамда инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасини тугмаларни пломбалаш кераклиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

98. Кесишма сигнализацияси шитида тугма босишлар сонининг ҳисоблагичи қўлланилганда «Аварияли очиш» ва «Тўсиш сигнализациясини ёқиш» тугмалари пломбаланмайди. Бунда, ушбу тугмалар босилганда Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш китобига ҳисоблагич кўрсаткичи тўғрисида ёзув қайд этилади.

99. Махсус ўзиюрар темир йўл ҳаракатдаги таркиби яқинлашганда навбатчи ходим уни кузатиши ҳамда у ўтиб кетгунга қадар «Ёпиш» тугмасини босган ҳолда тутиб туриши керак.

100. Темир йўл кесишмасида тўсиш сигнализацияси мавжуд бўлганда ёки мавжуд, бироқ носоз ҳолатда бўлганда ёхуд бошқарув шитидаги назорат лампалари ёнмаганда навбатчи ходим дарҳол тўсиқ вужудга келган ҳар бир темир йўлга қўчма тўхташ сигнаlinesи (куннинг ёруғ вақтида — қизил шит, қоронғи вақтида — икки томони қизил чироқли ёритгич) ўрнатиши, шлагбаумларни ёпиши, бу ҳақда станция навбатчисига (поезд диспетчерига) хабар бериши ва шу вақтнинг ўзида темир йўл станциясидан перегонга поезд жўнатиш ёки жўнатилмаганлигини аниқлаши лозим.

Навбатчи ходим темир йўл станцияси навбатчисидан (поезд диспетчеридан) темир йўл станциясидан перегонга поезд жўнатиш ёки жўнатилмаганлигини тўғрисида хабарнома олган тақдирда тўхташ сигнаlinesи берган ҳолда яқинлашаётган поезд томон боради ҳамда тегишли масофада петардаларни ўрнатгач, тўсиқ жойлашган жойга қайтади ва уни бартараф этиш чораларини кўради.

101. Темир йўл кесишмасида алоқа тармоқ симлари ёки темир йўлни кесиб ўтувчи электр узатиш симлари узилганда навбатчи ходим қўйидагиларни амалга ошириши зарур:

а) тўсиш сигнализациясини ёқиши ва шлагбаумларни ёпиши;

б) симларнинг узилиш жойини ундан 50 метрдан кам бўлмаган масофада қўчма тўхташ сигналлари билан тўсиши;

в) содир бўлган ҳолат ҳақида темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига) ҳамда инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасига хабар бериши;

г) узилган симларга камида саккиз метр масофада яқинлашилмаслиги ва рельсларга тегилмаслигини назорат қилган ҳолда тўсиқ олдида қолиши.

102. Темир йўл кесишмасида ёки унга яқин ҳудудда йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда навбатчи ходим қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) темир йўл станцияси навбатчисига (поезд диспетчерига), тегишли ДЙХХХга, инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгасига хабар бериш;

б) жабрланганларга (мавжуд бўлса) биринчи ёрдам кўрсатиш, зарурият бўлганда тез тиббий ёрдам хизматини чақириш.

6-боб. Темир йўл кесишмаларини сақлаш ва таъмирлаш

103. Инфратузилма эгалари ёки шохобча йўллари эгалари темир йўл кесишмалари ва уларнинг чегарасида жойлашган автомобиль йўли участкалари сақланиши ва таъмирланишини, шлагбаумлар, кесишма ҳамда тўсиш сигнализациялари, телефон (радио) алоқа воситалари соз ҳолатда ишлаши ва сақланишини ҳамда узлуксиз электр таъминотини таъминлайди.

104. Темир йўл капитал таъмирланганда ундаги темир йўл кесишмалари ҳам капитал таъмирланиши лозим.

105. Темир йўл ёки темир йўл кесишмасидаги йўл ҳаракатини ташкил этувчи техник воситаларни таъмирлаш ёки реконструкция қилиш давомида темир йўл кесишмасида транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши ўзгарадиган бўлса, инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси таъмирлаш ёки реконструкция қилиш ишлари бошланишидан камида беш кун олдин қуйидагиларни амалга ошириши керак:

тегишли ҳудуддаги ДЙХХХ билан ҳамкорликда транспорт воситаларининг темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланиш тартиби ҳамда айланиб ўтиш йўналишини аниқлаш;

автомобиль йўллари эгаси билан келишув асосида йўл ҳаракати ташкил этилиши ва йўналишни кўрсатувчи техник воситаларнинг ўрнатилишини таъминлаш.

106. Темир йўл кесишмасида таъмирлаш ёки реконструкция ишлари амалга ошириладиган вақтда ҳаракат хавфсизлиги навбатчи ходим томонидан таъминланиши керак.

107. Темир йўл кесишмаларида йўл ҳаракатини ташкил этувчи техник воситалар ва йўл қурилмалари ҳолатини даврий кўриқдан ўтказиш инфратузилма эгаси ёки шохобча йўллари эгаси томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

7-боб. Яқуний қоидалар

108. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

109. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этилиши устидан назорат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

110. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга

солиш агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

Келишилди:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2022 йил 25 февраль

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2022 йил 3 март

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

2022 йил 4 март

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2022 йил 18 февраль

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2022 йил 10 февраль

*Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги
бош директори*

Д. САТТАРОВ

2022 йил 9 февраль

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2022 йил 21 февраль

*«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
бошқарув раиси в. б*

Х. ХАСИЛОВ

2022 йил 14 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

157 «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307-сон «Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги 483-сон «Норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2021 йил 9 июндаги 358-сон «Филдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2020 й., 10/20/3221/0203-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2022 йил 18 март,
2022-10-сон

Ш. КУДБИЕВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
18 мартдаги 2022-10-сон қарорига
ИЛОВА

**«Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи бўйича 14-иловага мувофиқ.».

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, ўтган солиқ даври учун солиқ ҳисоботи айнан ўша солиқ даврида амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.»

3. 1 — 9 ва 11-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 10-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. 12-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 11-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 14-илова билан тўлдирилсин.

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 21 февраль

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 30 мартдаги 10-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-3.

2. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 4-сон «Темир йўл кесишмаларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3363.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 18 мартдаги 2022-10-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-4.